

ХАРБИЙ ПЕДАГОГИКА ВА УНИНГ ПРЕДМЕТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10129820>

Турсунбаев Нодир Тургунович

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари

Академияси кафедра катта ўқитувчиси

E-mail:tursunbayev@box.ru

Аннотация

Уибу мақолада ҳарбий педагогик жараён қонуниятларини, ҳарбий кадрлар ва ҳарбий жамоаларни ўқитиши ва тарбиялаши, уларни жанговар ҳаракатлар ва ҳарбий касбий фаолиятга тайёрлаши муаммолари ва уларни ҳал этиши йўллари хақида сўз боради.

Калит сўзлар

педагогика, ҳарбий, тарбия, жамоа, жанговар, маънавий, амалий, амалиёт.

ВОЕННАЯ ПЕДАГОГИКА И ЕЕ ПРЕДМЕТ

Аннотация

В статье рассматриваются закономерности военно-педагогического процесса, проблемы подготовки и воспитания военнослужащих и воинских формирований, их подготовки к боевым действиям и военно-профессиональной деятельности, а также пути их решения.

Ключевые слова

педагогика, военное дело, воспитание, общественность, боевое, духовное, практическое, практика.

MILITARY PEDAGOGY AND ITS SUBJECT

Abstract

The article examines the patterns of the military pedagogical process, the problems of training and education of military personnel and military formations, their preparation for combat operations and military professional activities, as well as ways to solve them.

Key words

pedagogy, military affairs, education, public, combat, spiritual, practical, practice.

Ҳарбий педагогиканинг обьекти - бу ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий жамоалардир. Ҳарбий педагогика бу- Қуролли Кучлар таркибини ўқитиш, тарбиялаш, ҳарбий фаолият шароитида бўлинмаларни (шахсий таркибни) ҳарбий операцияларга тайёрлаш тӯғрисидаги фандир.

Ҳарбий педагогика - ҳарбий педагогик жараён қонуниятларини, ҳарбий кадрлар ва ҳарбий жамоаларни ўқитиш ва тарбиялаш, уларни жанговар харакатлар ва ҳарбий касбий фаолиятга муваффакиятли тайёрлашни ўрганадиган, педагогика фанининг бир бўлими ҳисобланади.

Ҳарбий педагогиканинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ҳарбий хизматни биринчи кунлариданоқ ҳарбий хизматчи ёки олий ҳарбий таълим муассасаси курсанти ҳарбий мутахассис сифатида шунчаки ўқимайди ва жанговар руҳда тарбияланмайди, балки ҳақиқий ҳарбийларга хос таълим, ҳарбий хизмат ва жанговар вазифаларни бажариш учун ҳаракат қила бошлайди.

Ҳарбий педагогиканинг бош мақсади - мустаҳкам маънавий-сиёсий, жанговар ва ахлоқий- психологияк сифатлар, юқори жанговор маҳоратга эга мард ва қўрқмас Ватан ҳимоячиларини тайёрлашга йўналтирилган жараён ҳисобланади. Ҳарбий педагогиканинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ҳарбий хизматнинг биринчи кунлариданоқ ҳарбий хизматчи ёки олий ҳарбий таълим муассасаси курсанти ҳарбий мутахассис сифатида шунчаки ўқимайди ва жанговар руҳда тарбияланмайди, балки ҳақиқий ҳарбий таълим, ҳарбий хизмат ва жанговар вазифаларни бажариш учун ҳаракат қила бошлайди. Шунга кўра, ҳарбий педагогик таъсирлар тӯғридан тӯғри ҳарбий амалий, хизматга йўналтирилган. Яъни, ҳар бир бўлажак ҳарбий хизматчи зудлик билан ҳарбий жамоага мослаша бошлайди ва жамоа таркибига киради, ҳарбий касбий фаолиятни бошлайди ва ўқиш сифати, унинг хулқатвори, интизоми, тўлиқ шахсий жавобгарликни (ахлоқий, ҳуқуқий,) хис қиласади.

Қуролли кучлар шароитида ўзига хос аҳамиятни ҳарбий жамоа (бўлинма, қисм) сифатидаги педагогик таъсир обьекти эгаллайди. Ҳар бир қисм (бўлинма, рота) жанговар, ижтимоий- сиёсий ва мафкуравий жамоаларнинг ўзига хос мураккаб тизимини ифодалайди. Бўлинманинг жанговар уюшқоқлигида, шахсий таркибнинг маънавий-сиёсий, психологик ва жисмоний тайёргарлигидаги етакчи ролни офицерлар эгаллайди. Ҳарбий жамоадаги ўзаро муносабатлар қатъий равишда уставлар билан белгилаб қўйилган. Шахсий таркибнинг таълим ва тарбиясидаги мухим рол бўлинма ҳаётининг барча томони ва фаолиятига жавоб берувчи командирларга

тегишилидир. Ҳар бир офицер ҳарбий педагог сифатида ўқитувчи ва тарбиячи, шунингдек, шахсий таркибнинг хизмат фаолиятидаги ташкилотчи ва вазифаларини мувофиқлаштиради. Таълим ва тарбиялаш жараёнида офицерларга сержантлар, аскарлар яқиндан ёрдам берадилар. Бирок, машғулотлар, ўқувлар, сиёсий-тарбиявий характердаги тадбирларни ўтказиш вақтида етакчи ўринни маъмурий эмас, балки педагогик муносабатларга тегишли бўлади.

Замонавий ҳарбий педагогика ўзида нафақат тегишли билимлар тизимини ифодалайди, балки шахсий таркиб тарбияси, таълими ривожлантириш ва психологияк тайёргарлиги самарадорлигини оширишга, аниқлашга қаратилган ташкилий тадқиқот фаолиятни назарда тутади. Ушбу фаолиятнинг билишга оид, ташхисий- прогностик ва илмий-таълимий каби асосий функциялари мавжуд.

Ҳарбий педагогика ҳарбий-педагогик кўриниш ва жараёнлар, улар ўртасидаги боғлиқлик ва муносабатларни ўргана туриб, биринчилардан бўлиб, инсон фактори, жангчининг шахсий сифатлари, таълим ва тарбияни ўзлаштириш қобилиятлари, ички имкониятларига эътиборини қаратади.

Шунинг учун ҳарбий педагогика педагогика фанининг бошқа тармоқларидан фарқли равишда ҳарбий хизматчиларни юқори ахлоқий ва психологик фазилатларни тарбиялайдиган мухим вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган тарбия, таълим, маълумот, инсон камолоти, ҳарбий хизматчининг шаклланиши, ўқитиши, тарбиянинг асосий қонунлари ва мақсади, ҳарбий педагогик жараён, ҳарбий мухит, тарбия турлари (ақлий, ҳуқуқий, иқтисодий, меҳнат, экологик, ахлоқий, жисмоний ва эстетик, жангвар), тарбия услублари, таълим методлари, педагогик-психологик тушунчалар (руҳият, шахс, фаолият, ўз-ўзини англаш, мулоқот, руҳий жараён ва ҳолат, малака, қобилият, жўшқинлик, характер, идроқ, диққат, хотира, тафаккур, сезги, ҳиссиёт, ўрганиш ва ўргатиш) ҳарбий педагогик ҳодиса сифатидаги ҳарбий жамоа ҳарбий педагогик тадқиқот ва ҳарбий-педагогик амалиётнинг диққат марказида туради.

Тузилиши нуқтайи назаридан ҳарбий педагогика фан сифатида ҳарбий педагогика методологиясини, ҳарбий педагогика тарихини, ўқитиши назариясини (ҳарбий дидактика), ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш назариясини, юқори ҳарбий педагогиканинг жангвар тайёргарликнинг хусусий усусларини ўз ичига олади.

Ҳарбий педагогиканинг ҳарбий хизматчи шахсига оид жиҳати жуда мухимдир, чунки, шахснинг таркибий тузилиши қўп ҳолларда бўлажак

офицерлар ва аскарлар таълим-тарбиясининг натижалариiga боғлиқ бўлади. Ҳарбий педагогиканинг таркиби методология, назария ва амалиёт учун тавсиялардан ҳосил бўлади. Унинг мазмунини эса тадқиқот ва ҳаётий қузатишлар натижасида олинган далиллар, категориялар, тамойиллар қонуниятлари, илмий конференцияларда ифодаланган илмий хуносалар; амалий синовдан ўтишга муҳтож гипотезалар; ҳарбий-педагогик ҳаққонийликни тадқиқ қилиш методикалари, шунингдек, ҳарбий-педагогик тадқиқотларни англашга ва уни самарадорлигини дастлабки шарт-шароити ҳисобланган ахлоқий қадриятлар (ҳарбий хизматчи шахсини ҳурмат қилиш, меҳнатсеварлик, мутлақо ҳаққонийлик, ўз ишига танқидий кўз билан қарайдиган жасорат ва ҳоказолар) тизимини ташкил этади.

Ҳарбий педагогика: ҳарбий-педагогик ва ҳарбий илмий тадқиқотлар ва ҳаётий қузатувлар натижасида олинган фактлар;

ҳарбий педагогика қонуниятлари, тамойиллари, тушунчаларида ифодаланган илмий умумлаштириш; амалий текширишни талаб қиласиган гипотезалар;

ҳарбий-педагогик воқеликни ўрганиш усуллари;

ҳарбий хизматнинг ахлоқий қадриятлар тизимини ўз ичига олади.

Ҳарбий- педагогик назария ва амалиётида информатика, бошқарув тўғри ва тескари алоқа, интенфикация, оптималлаштириш, алгоритмлаш ва бошқа фанларнинг кўпгина категорияларидан фаол фойдаланиб келинмоқда. Ҳар қайси фан каби ҳарбий педагогика ҳам тараққиёт тенденсиясини такомиллаштириб боради.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бабанский Ю.К. Педагогика: Учебное пособие. – М.: Просвещение, 1999.
2. Барабанщиков.А.В, Дерюгин.П.П. Военно-педагогическая диагностика: (теория, опыт, проблема).-М.: ГАВС, 1995.
3. Барабанщиков А. В., Давыдов В. П, Феденко Н. Ф. Основы военной психологии и педагогики. М.: Просвещение. 1988.
4. Н. Толибов. Совершенствование методики развития профессиональной компетентности будущих летчиков-инженеров автореф. дис....доктора философии (PhD) по пед. наук: 13.00.05 – Теория и методика профессионального образования. Ташкент - 2021.

5. Ф. Умаров. Развитие профессиональной компетентности будущих офицеров автореф. дис....доктора философии (PhD) по пед. наук: 13.00.01 – теория педагогики. История педагогических наук Ташкент - 2021.